

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

КУРС ИШИ

Топширди:

**10-11 МДиз гуруҳи талабаси
Баратова Д.**

Қабул қилди:

Тошева Г.

Бухоро – 2015 й.

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ

II. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1 ЗАМОНАВИЙ МОДА ЙЎНАЛИШИ

2.2 КИЙИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.3 МОДЕЛЬ - АНАЛОГЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

2.4. ГАЗЛАМАЛАР ПАКЕТИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

2.5. ТАНЛАНГАН МОДЕЛЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИНИ ТАСНИФЛАШ

2.6. ТАНЛАНГАН МОДЕЛЛАР УЧУН БЕЗАК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАНЛАШ

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Ўзбекистон халқ амалий санъатининг энг оммавий ва ҳамма ерда тарқалган турларидан бири ҳар доим дўппи – адрасли қаттиқ ёки юмшоқ қалпоқча бўлган эди. Дўппи ўзбек миллий кийимининг ажралмас қисми бўлиб, ўзбек халқининг ҳаёти ва анъаналарига чуқур кириб борган. Дўппи (туркча тепа сўзидан) нафақат ўзбеклар, балки бошқа Марказий Осиё халқларининг ҳам миллий бош кийимидир. Дўппилар турларига қараб ажратилган: эркаклар, аёллар, болалар учун, қарилар учун турлари. Кекса аёллар бу бош кийимни киймайдилар. Болаларнинг дўппилари (кулоҳча, қалпоқча, дўппи, каллапўш) матоларининг турли-туманлиги ва ранг-баранглиги билан, попук ва шарчаларининг катталиги, кашталари, зарлари ва туморларининг кўплиги билан фарқланади. Ўзбек дўппиларининг энг кўп тарқалган шакллари озгина конуссимон каби тўрт қиррали дўппилардир. Дўппилар икки ёки ундан ортиқ мато қатламларидан тикилиб, ипак ёки одий иплар билан қавилиб, мустаҳкамланар эди. Тайёр дўппи устидан ипак, зар ёки кумуш ип билан кашта тикилар эди. Дўппи тикиш санъатини аввалдан аёллар ўрганар эди. Дўппилардаги энг кўп учрайдиган нақшларга гул нақшлари, ҳаёт ва унумдорлик рамзи бўлган бодом нақши киради. Дўппиларнинг нақшида сақловчи восита деб ҳисобланган илон изи нақши ҳам тез-тез тикилар эди. Геометрик шакллардаги нақшлар ҳам жуда оммавий эди. Турли туманларда яратилган дўппилар ўзининг шакли, нақшлари ва танланган ранглари билан фарқланади. Ўзбекистоннинг кўпгина туманларида чуст дўппилари энг кўп учрайди. Чуст дўппиларининг энг тарқалган тури қора матодаги тўрт дона қалампир шаклидаги оқ нақш билан тикилган бўлиб, пасти қатор жойлашган гумбазчалар билан ўралган. Дўппининг учта тури мавжуд – думалоқ, тўрт қиррали думалоқ дўппилар ва чўзинчоқ қалпоқча. Чуст дўппилари нақшининг кескинлиги билан (бодом донаси тўла, мўйловчаси калта ва кескин бурилган)ва пастки четининг баландлиги билан ажралиб туради. Фарғона водийси дўппиларининг бошқа турлари – «Сандали», «Акка икки сўм», «Чимбой», «Суркачекма» ва бошқалар нақшларининг соддалиги билан

ажралиб туради. Самарқанд дўппилари «пилтадўзлик» услубиётида бажарилган. Дўппиларнинг бошқа турлари ҳам бор ургутча «қалпок»,

II. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1 ЗАМОНАВИЙ МОДА ЙЎНАЛИШИ

Эркаклар дўпписининг тепа қисмига солинган тўрт дона бодом тасвири кичикрок ҳажмда, кизакларда жойлашган ярим ой шаклларининг баландлиги бир хил бўлмай, чоклар ичига тўшама (қоғоз, ип ва ҳ.к. каби) қўйилмасдан тўлиқ табиий тўлдириб тикилиши билан фарқланади. Андижон дўппиларининг “сетора” ва “инжиқ” нусхалари чокларининг ўта майда ва нафислиги билан характерланиб, бошқа дўппиўзлик мактабларидан фарқланади. Ҳозиргача сақланиб, янада сайқалланиб келаётган “андижон”, “сетора”, “инжиқ”, “калин”, “шаҳрихон”, “пахтаобод” каби нусхаларни халқ севиб киймоқда.

Бухоро дўппилари

Бухоро каштачилик мактабига хос дўппиларнинг энг машҳури зардўзи дўппилардир. Каштачилик меъросининг дурдона турларидан бири бўлган зардўзлик санъати бухоролик ҳунарманд-чевар усталар томонидан мукаммал ҳолда сақланиб келинган. Ўзига хос сермазмун кашта нақшлари, ғоят нафис техник услублари узоқ даврлар мобайнида сайқал топган ранг-баранг кашта чоклари шу санъатнинг тарихий ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади

Дўппи тайёрлаш халқ декоратив санъати анъаналарини яхши эгаллаган бўлишни ҳамда юқори маданиятни талаб этади. Шунинг учун ҳам дўппилар одатда малакали рассом-декораторлар томонидан яратилади. Уларга гуллар, қушлар ва ҳайвонлар тасвири туширилган. Эркаклар бундай дўппиларни байрам ва тўйларда кийганлар, шунинг учун ҳам уларни «куёв дўппи», «наврўз гули» деб ҳам аташган.

Кейинчалик аёлларнинг оч кумушсимон рангдаги парчадан тикилган тўрт қиррали дўппиларининг янги типи пайдо бўлди, унинг ҳар бир бўлагида гуллаб турган буточка тасвири тикилган. Бундай шакл, яъни очиқ фон

Фарғона, шунингдек, Тошкент анъаналарига тўғри келади.

XIX аср Самарқанд дўппилари учун безакларнинг турли-туманлиги ва нозиклиги, ранглар уйғунлигининг сиполиги ва мулойимлиги хосдир. XX асрда тайёрланган дўппилар ранглар уйғунлигининг маънодорлиги билан ажралиб туради. Самарқандда тайёрланган аёллар дўппилари ичида оч кумушсимон ёки зарҳал парчадан тайёрланган дўппилар ажралиб туради. Уларнинг тепа қисми диагонали бўйича қора йўлчалар билан аниқ тўрт бўлакка бўлинган ва ҳар бир бўлакка гуллаб турган бутоқчалар тасвири кашта билан туширилган.

Бухоронинг «каллапўши бухори» деб аталадиган дўппилари бошқа минтакаларнинг дўппиларидан фақат номи билан эмас, балки бир қатор ўзига хос белгилари билан ҳам ажралиб туради. Уни одатда сидирға бахмал ёки духоба матодан тикишган ва аксарият ҳолларда матоларнинг қора ёки тўқ яшил рангларида фойдаланишган. Дўппининг четлари сидирға жияк ёки «зех» деб аталадиган тўқима тасма билан қопланган. У ёки бу минтақада дўппиларнинг муайян типи яратилишига фақат табиий шарт-шароитлар эмас, балки шу минтақада вужудга келган ва сақланиб қолган анъаналар, ҳўжалик

ва маданият ривожланишининг умумий даражаси ҳам таъсир кўрсатган.



2 КИЙИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ўзбек дўппиларининг энг кўп тарқалган шакллари озгина конуссимон каби тўрт қиррали дўппилардир. Дўппилар икки ёки ундан ортиқ мато қатламларидан тикилиб, ипак ёки оддий иплар билан қавилиб, мустаҳкамланади. Тайёр дўппи устидан ипак, зар ёки кумуш ип билан кашта тикилади.

Дўппи тикиш санъатини аввалдан аёллар ўрганганлар. Дўппилардаги энг кўп учрайдиган нақшларга гул нақшлари, ҳаёт ва унумдорлик рамзи бўлган бодом нақши киради. Дўппиларнинг нақшида сақловчи восита деб ҳисобланган илон изи нақши ҳам тез-тез тикилади. Геометрик шакллардаги нақшлар ҳам жуда оммавий бўлиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яратилган дўппилар ўзининг шакли, нақшлари ва танланган ранглари билан фарқланади. Ўзбекистоннинг кўпгина туманларида Чуст дўппилари энг кўп учрайди. Чуст дўппиларининг энг кўп тарқалган тури қора матодаги тўрт дона қалампир шаклидаги оқ нақш билан тикилган бўлиб, пасти қатор

жойлашган гумбазчалар билан ўралган.

Дўппининг учта тури мавжуд – думалоқ, тўрт қиррали думалоқ дўппилар ва чўзинчоқ қалпоқча. Чуст дўппилари нақшининг кескинлиги билан (бодом донаси тўла, мўйловчаси калта ва кескин бурилган) ва пастки четининг баландлиги билан ажралиб туради.

Жуда қадимдан “ироқи” нусха дўппилар тайёрланиб келинган. Дўппилар ўзига хос тайёрланиш техникасига эга бўлиб, яримконуссимон шаклда, кизагининг четига махсус жияк тикиб безак берилади. Бундай дўппиларни Шаҳрисабз ва Китобда “қалпоқ”, Тошкентда эса “гиламдўппи” деб атайдилар. Дўппилар канва, “бўронбой” деб номланган тўр ёки бўз матога “тагдўзи” усулида “ироқи” қўл чокида ипак ва пахта иплар билан кашта тикилади.

Xar bir duppi yaratilish uslubiga ega bulib, ular bir-biridan fark kiladi.

Uzbekistonda ommaviy bosh kiyimi asosan uch xil shaklga ega buladi. «kulok», «arakchini», «tus duppi», Kulok- konussimon bosh kiyim. U asosan darvishlar kalpogi. Uning matoxi pox uchburchak parchalardan bichilib yonlamasiga tikiladi. Kulok (erkaklar bosh kiyimi) hozir juda kam uchraydi. Arokchin- shorsimon duppi, uni asosan keksalar kiyadi. Toshkentda sharsimon duppilar kanda ayol, bosma chakmatur, irokichok usullarda tikiladi. Tus duppi keng tarkalgan yassi yuzali duppi. Kupincha tus duppi chus duppi dep yuritiladi. Tus duppilarning birgina klassik variantining uzida sakkizta yuvelir chok uslubi kullaniladi.

Masalan, zanjira, tugri chok, chita, kungura, etalatma, tarok, ova, pildirok. Chust duppisining tepasigkizakdan kvadrat shaklida b Дўппи – ўзбек халқининг миллий маданий қадрияти, қадимий бош кийимидир. Халқимизнинг ижодкор даҳоси анъанавий либосимизнинг таркибий қисми сифатида ихтиро этган ушбу анжом яшаш тарзимиз, иқлим шароитимиз, нафосат меъёрларимиз диду завқимиз, маиший имкониятларимиз билан уйғун ҳолда юзага келган. Уни ёшлар ҳам, кексалар ҳам, ўрта ёшли кишилар ҳам севиб, ардоқлаб киядилар; бир бирларига совға қиладилар; сарполар таркибида болалари, қадрдонлари, қариндошлари, бўлғуси келинлари, куёвлари, куда-

андплари учун асрайдилар; кўли гул чевар қизлар ўзлари суйган, эъзозлаган кишилар учун атаб тикадилар./ Дўппи совға қилиш замирида «Азиз бошингиз омон бўлсин!» деган тилак ётади. Уни қоқиб-суқиб уй тўридаги девор қозикларига илиш, баъзан ҳимояловчи матоларга ўраб токчаларга кўйиш одат тусига кирган. Кейинчалик кийиладиган, совға учун асраб кўйилган дўппилар таҳланиб ёки гумбаз шакли ҳимоя қилинган ҳолда сандиқларда, жовонларда, янги кўрпа таҳларида сақланган. У халқимиз орасида энг эзгу тухфа, энг мўтабар либос саналган.


Шу боисдан бўлса керак, ўзбеклар деганда дўппи, дўппи деганда ўзбеклар ёдга келади. Дўппи ўзбек халқининг рамзигина эмас, фахру ифтихорига айланиб кетган. Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисралари ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Қайга бормай, бошда дўппим,
Ғоз юрарман гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Ўзбегимнинг ҳаёлот, завқи, шавқи каби дўппиларининг тури, туси, шаклу-шамойили ҳам ранг-бараангдир. Эркаклар дўпписини фарқлашда жой номи устун турса, аёллар дўпписига ном берилганда гули, шакли, беағи таъкидланади.



urtib chikib, yarim shar kurinishida buladi. Toshkent duppisi sidirgo baxmaldan (gulsiz) tikilgan buladi. Buxoro duppilari sidirgo yoki gulli baxmaldan jiyakli kilib tikiladi, jiyagi turli xil ipaklardan rangdor nakshli kurma хосил булади.



У ёки бу минтақада дўппиларнинг муайян типи яратилишига фақат табиий шарт-шароитлар эмас, балки шу минтақада вужудга келган ва

сақланиб қолган анъаналар, хўжалик ва маданият ривожланишининг умумий даражаси ҳам таъсир кўрсатган.

Mahsulot sifati - mo`ljalanishiga qarab iste`molchilarning aniq talablarini qondira oluvchi uning xossalar birligiga aytiladi. Sifat ko`rsatkichlari - bu aniq shart-sharoitlarda mahsulot xossalarini ko`rsatuvchi va aniq talablarini qondirish darajasini ifodalovchi ko`rsatkichlardir. Sifat ko`rsatkichlari asosida kiyimga quyidagi talablar qo'yiladi: Ijtimoiy va Texnik - iqtisodiy talablar.

Ijtimoiy talablarga

Ijtimoiy talablar jamiyatni shu kiyimga bo`lgan talabini aniklaydi.

Estetik ko`rsatkichlar talablar kiyimni stil va moda yo`nalishiga jamiyatda hukmronlik qilayotgan estetik idealga moslik darajasini ifodalovchi ko`rsatkichlardir.

- Дўппи тайёрлаш халқ декоратив санъати анъаналарини яхши эгаллаган бўлишни ҳамда юқори маданиятни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу дўппилар одатда малакали рассом-декораторлар томонидан яратилади. Ekspluatatsion kursatkichlar talablar - bu дўппидан foydalanish davrida u o`zining tashqi ko`rinishini, shaklsini yo`qotmasligini ifodalovchi ko`rsatkichlar.

2.3 МОДЕЛЬ - АНАЛОГЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Тиқиш ва тайёрлаш усулига кўра дўппилар *босма, гулдўзи, заминдўзи, зардўзи, санама, тўлдирма, чизма* каби аталган;

— гули, беаги, ҳашами ёки таглик матоси нуқтаи назаридан ном олган дўппилар: *атиргул, бахмал дўппи, бодом нусха, булбул нусха, гилам нусха, кийик қош, лолагул, мунчоқ дўппи, нозик дўппи, чаманда гул, қалампир нусха* сингаридир.

Юқоридаги номлар турли ҳудудларда яна турлича ўзгариб, янги нусхаларга янгича номлар берилганини ҳам кўриш мумкин. Ижодкор чеварлар Ката Фарғона канали қурилгани шарафига *канал нусха*, инсон космосга парвоз этганда *ракета* леган ном билан ҳам дўпилар тикканлар.

Наманганда XIX асрнинг бошларига келиб асосан “Чуст” дўппилари удум бўлди. Бундай дўппиларнинг шакли тўртбурчак, тепаси тўрт томонли, учбурчаксимон қатланадиган, ясси, техникаси “пилтадўзи”, қоғоз билан пилталанган. Кашта асосан оқ ипак билан тикилиб, гулғунчалари “кўз”ларига

гулоби, сарик, тўқ қизил, тўқ яшил, сиёҳ ранглар танланади. Кичик ёшдаги болаларнинг дўппиларига кўпроқ рангли ипаклар ишлатилади.

“Чуст” дўппилари тўрт каржли бўлиб, карж чизиклари бўртиб туради.

Аврасига қора, тўқ кўк ҳамда мошранг сатин (лас) матолар ишлатилади. Тепа қисмининг ҳар бир каржига бир дона қалампир нусхаси тикилади.

Ҳозирги кунгача дўппидўз чеварлар томонидан “чуст” дўппиларининг кўплаб янги нусхалари яратилиб, янада сайқал топмоқда. Чуст дўппилари ҳам ўз яратувчиларининг диди, меҳри ва маҳорати натижасида ҳақиқий санъат даражасига етган. Дўппиларнинг “зира” нусхасини андижонликлар севиб кийишса, наманганликлар кўпроқ “инжик” деб ном олган дўппиларни яхши кўрадилар. Чуст дўппиларини нафақат Республикамизнинг барча вилоятларида балки қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон каби давлатларда ҳам севиб кийишади.

Самарқанд дўппилари

Самарқандда кўриниши тўрт томонли, тепаси баланд, гумбазсимон, кизаги кенг, кизагининг четига энли тўқ рангли матодан жияк қадалган дўппиларни эркаклар кийишган. Бу каби дўппилар қора сатин, ипак матога тепа ва кизагига кўпинча қўл кашта чокининг «кўптирма» усулида кашта тикиб, тайёрланган. Кашталар асосан рангли ипак иплар билан тикилиб, тепа қисмининг тўрт тарафи ва кизагига бир хил мутаносиб нақш – гул танланган. Самарқандда ургут дўппилари ҳар даврда ўзига хос нафислиги, мукамаллиги билан аҳамият касб этади. Кўриниши думалоқ, кизаги баланд бундай дўппилар “пилтадўзи” техникасида қора сатиндан тайёрланиб, “канда хаёл”, “йўрма” қўл чокида рангли ипак ёки пахта иплар билан кашта тикилади. Кизагига попук қадалиб безатилади. Дўппи каштаси учун гул ва геометрик нақшлар танланади. Ёш болалар учун мўлжалланган худди шундай дўппиларнинг гуллари орасига ялтироқ металл “баргак”лар ва мунчоқлар қўшиб безатилади.

Сурхандарё дўппилари

Сурхондарё дўппидўзлик мактабида миллий каштачилик амалий безак санъатининг ўзига хос жозибадор халқчил услублари сақланиб қолинганки, бундай дўппиларни халқ севиб, бошидан туширмай келмоқда. Айниқса, бойсун, дашнобод дўппиларга разм солар экансиз, улардаги мукамал ранг-баранг нақшлар жилосига қараб халқ қалбининг жўшқинлиги, табиатга яқин, ҳамнафас эканлигини ҳис қиласиз.

“Тўлдирма”, “пулакча”, “тангача” ёки “лолагул” деб аталувчи дўппиларни йигитлар ва эркаклар киядилар. Бундай дўппилар асосан патли бахмалдан тайёрланганлиги сабаб, “патдўзи” деб ҳам ном олган.

Хотин- қизлар кийишига мўлжалланган “мунчоқ” ёки “шабанок” деб номланувчи дўппилар эса шаклан думалоқ, уларга майда мунчоқлар тизиб гул тикиб тайёрланади. Дўппиларининг кизагига “йўрмадўзи” усулида тайёрланган жияк қадаб безатилади. Эркак ва аёллар дўппиларининг жияклари гул нусхаларига қараб фарқланади. Дўппига жияк тикиб бўлингач,

жиякнинг туташган жойига турли рангдаги ипаклардан попукча қадаб безатилади.



2.4. ГАЗЛАМАЛАР ПАКЕТИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

Хоразм эркакларининг анъанавий бош кийимлари ўзига хос ва бетакрор бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида воҳадаги турли этник гуруҳлар бош кийимларида ўзига хослик сақланиб қолган. Воҳанинг анъанавий бош кийимларини тайёрладиган хом ашёсига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Жундан тайёрладиган бош кийимлар: *чўғирма (тўғалак*, шерози ва силкма)*.

2. Кигиз (намат)дан тайёрладиган бош кийимлар: *қалпоқ, кулоҳ ва ҳ.к.*

3. Ип ва ипақдан тайёрладиган бош кийимлар: *таҳя (чумакли, папакли, қазма); рўмол (фаранг рўмол, сочоқи беқарор, йўринжа гулли рўмол, тўр рўмол, боки рўмол, шахмат рўмол, қозоқи рўмол ва ҳ.к.); лачак (Хива лачаги, Карвак ва Питнак лачаги), бошўров, ўрамол (шим. Хоразм); тўппи (болалар ва кексалар тўпписи – саппуш); чўтти (Хазорасп).*

4. Мўйнадан тайёрланадиган бош кийимлар: *қундуз попоқ ёки қундуз талпак* (ондатра телпак), *норка попоқ* (*қоракўзан* – норка терисидан тикилган телпак), *сувсар талпак* (*соболь* – *сувсар мўйнасидан тикилган телпак*) , *қулоқчин* (*ушанка*).

Хоразмда бош кийим давлат, ғурур, ифтихор рамзи саналган, шунинг учун бош кийимни бирор кимса билан алмаштириш ёки бировга бериш мумкин бўлмаган. Отанинг бош кийими фақат унинг ўғлига берилган. “Оёғингда маҳсинг бўлмаса ҳам бошингда чўғирманг бўлсин”, деган кексалар. “Қадимда фарзанди юзини ерга қаратган ота чўғирмадан маҳрум қилинган, бу эса унинг элот (маҳалла)да яккаланиб қолишига олиб келган” [9]. XX аср бошларида Хоразм аҳолиси ўртасида бошланг юриш одобдан ҳисобланмаган. Қариялар ҳатто кечаси ухлагани ётганларида ҳам юмшоқ читдан, ичига пахта солиб, астар қилинган конуссимон бош кийим – *тўппи* (шабпўш) кийиб ётганлар [10]. Бу каби бош кийим Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди [3.23].

Ўзбек дўппиларининг Чуст, Марғилон, Андижон, Шаҳрихон, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Ургут, Бухоро, Бойсун, Дашнобод, Шаҳрисабз, Косон, Хива, Лақай, Бахмал, зар, ола, гиламнусха, ироқи, арақчин каби турлари маълум. Ўзбекистон тарихи музейида турли даврларга тегишли бўлган 260 дан ортиқ дўппи мавжуд [4.20]. Беҳистун қоятошларига ўйиб туширилган (бўртма) одам суратларининг биридаги бош кийим қадимги хоразмийлар бош кийимларига жуда ўхшаб кетганлигини кўриш мумкин [5.25]. Зеро қоя ёзувларида Доро буйруғи билан бўйсундирган халқлар орасида саклар, сўғдлар қаторида хоразмийлар ҳам тилга олинган. X асрда яшаб ижод этган муаррих ал-Мақдисий Хоразмдан четга олиб чиқиладиган моллар рўйхатида хоразмликларнинг *чўқмор телпаги* ҳам борлигини, Хуросоннинг ҳар бир шаҳрида маҳаллий аҳолидан ўзларининг чўқмор телпаклари билан ажралиб турувчи кўплаб хоразмликларни учратиш мумкинлигини айтиб ўтади [6.59]. Демак, Хоразмда *чумакли таҳя* деб аталувчи конуссимон дўппи тури ҳам қадимий бош кийим бўлиши мумкин.

Эркак ва аёллар дўппилари бир хил шаклда бўлиб, эркакларнинг дўппилари тўқ яшил рангли, кўк, қора бахмалдан тайёрланган. Воҳа аҳолиси қишда дўппи устидан думалоқ, жундан бўлган телпак кийганлар. Хоразм воҳаси аҳолисининг бош кийимлари ранги, шакли ва кийилиш тартиби билан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Хоразмда яшовчи ўзбеклар катта думалоқ *чўғирма* [7.324] кийганлар. Чўғирма воҳа аҳолисининг этник хусусиятларини янада яққолроқ намоён этадиган бош кийимдир. Чўғирма уч хил: *тўғалак чўғирма*, *шерози* ва *силкма* чўғирмадан иборат бўлган [11]. Устки қисми тери ёки қалин матодан текис қилиб тикилиб, атрофига босма шаклда қоракўл ёпиштирилган *тўғалак чўғирма* воҳада XIX асрдан бери кийилиб келган чўғирманинг дастлабки нусхасидир. Уни дастлаб фақат ҳукм-

дорлар, кейинчалик эса аҳолининг барча табақа вакиллари кийган. Калта жунли Хазорасп услубида тикилган чўгирма *шерози чўгирма* деб аталган. Шерози чўгирма – янги туғилган қўзичоқнинг терисидан тикилган ва тикилиш жиҳатидан ихчам бўлиб, ҳозирги телпаклардан озгина фарқ қилган. Учинчиси аҳолининг камбағал табақаси ҳамда воҳада яшовчи туркманлар ҳам кийган узун жунли *силкма чўгирмадир*. Силкма чўгирма қўйнинг узун жунидан, думалоқ шаклда ва анча катта ҳажмда тикилган. Чўгирма илгари Хоразмда кенг тарқалган бўлиб, у ҳақда халқ орасида қуйидагича айтим бўлган:

Бош кийимлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ўзига хос бўлган. Масалан, Бухорода ва унга яқин туманларда телпаклар қия конус шаклида бўлган. Унинг юқори қисмини қорақўл терисидан, ичини қўй мўйнаси билан қоплаб, теварак-атрофини қундуз мўйнаси билан беаганлар. Фарғона водийси ва Тошкентда телпакнинг юқори қисми учун мато ишлатганлар, ҳошиясини тулки ёки сувсар мўйнасидан, айрим ҳолларда қўзи терисидан тикканлар. Фарғона водийсининг қишлоқ аҳли қишда мўйнаси ичкарига қаратиб тикилган тумоқ кийган. Бош кийим турларидан бири *салла* бўлиб, уни одатда дин аҳли: мулла, эшонлар ва айрим этник гуруҳлар, масалан, Оқдарбанд эронийлари кийганлар [15].

Хулоса

Демак, XIX аср охири – XX аср давомида Хоразм воҳаси эркакларининг асосий бош кийими қиш фаслида чўгирма, ёз фаслида тахя (дўппи) бўлиб, воҳа иқлимига жуда мослиги учун халқ бу бош кийимларни севиб кийган. Ҳатто кексалар ёз фаслида бўлса ҳам чўгирмани бошидан ечишмаган. Бунинг ўзига хос сабаби бор: ёз фаслида бош терлаганда, чўгирма ўзига терни шимиб олган ва бошни ёзнинг жазирама иссиғидан асраб намлантириб турган. Шу сабабли кекса отахонлар пахтали тўн (дўн) ва чўгирмани ёз фаслида ҳам кийиб юришган. Ҳозирги кунга келиб бу бош кийимлари халқимизнинг анъанавий бош кийимлари саналади ва қадрият сифатида эъзозланади. Сўзимни И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари билан мухтасар қилишни маъқул кўрдим: “Фарғона водийсида вилоятлар аҳлини дўппидаги

“қалампир” шаклига қараб ажратиш расм бўлган. Биламизки, Хоразмлик ёшулликлар бошларига кўпроқ чўғирма-телпак кийишни маъқул кўрадилар. Аммо гап дўппи ёки чўғирмада эмас. Гап бизнинг бирлигимизда, иймонимизнинг бутунлигида, ғайратимиз зўрлигида, меҳнатга бўлган чексиз меҳримизда” [1.292]. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб авайлаш, янада ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек халқининг бой анъана ва маросимлари, миллий қадриятларини қайта тиклашдан мақсад ёшлар қалби ва онига миллий истиқлол ғояларига садоқат, азалий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ғояларини чуқур сингдиришдан иборат.